Тошкент оқшоми

2016 йил 6 июнь, душанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 114 (13.177)

Баҳоси эркин нархда

ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



...Пойтахтимиздаги "Малика" савдо мажмуасига музлаткич олиш учун бордик. Ўндан зиёд турдаги замонавий маҳсулотларнинг қай бирини танлашни билмай турганимизни кўрган сотувчи бизга "Artel" компанияси маҳсулотларини тавсия қилди.

МАМЛАКАТИМИЗ НОМИНИ ДУНЁГА ЁЙМОҚДА

– Бу брендниг афзаллиги шундаки, ҳар бир туманда корхонанинг хизмат кўрсатиш шохобчаси бор, – деди сотувчи Акрам Норматов. – "Artel" музлаткичларининг мотори Бразилиянинг Embraco компаниясида ишлаб чиқарилган, энергия тежамкор. Бу брендниг нафақат музлаткичи, балки кондиционер, кир ювиш машинаси, газ плитаси, компьютер, мобиль телефон, электротўлқинли печь ва бошқа маҳсулотлари ҳам сифатли ва рақобатбардошдир.

Маиший техника воситалари ҳаётимизни сезиларли даражада енгиллаштириш, тўлақонли дам олишимиз, ўзимиз, фарзандларимиз ва оиламизга кўпроқ эътибор қаратиш учун вақтни тежаш имконини беради. Мамлакатимизда юқори сифатли маиший техника турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, уларни харид қилиш учун банк кредитлари берилаётгани оилаларнинг турмуш даражасини оширишга таъсир кўрсатмоқда.

– Қишлоғимизда замонавий маиший техника воситалари кириб келмаган рўзғор деярли қолмади, – дейди Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида яшовчи меҳнат фахрийси Эркин Жўраев. – Катта ўғлим Хуршидбек мактабда ўқитувчи. Яқинда истеъмол кредити орқали "Artel" корхонасининг чангютгич, музлаткич, кондиционер, телевизорини харид қилди.

– Замонавий маиший техника воситаларининг кўпайиши биз аёлларнинг ўзимизга ва оиламизга кўпроқ вақт ажратишимиз, "Гўзаллик салони"га киришимиз, фитнес клубларга бориб, соғлиғимизни мустаҳкамлашимизга ёрдам бермоқда, – дейди педагог Замира Азимбоева. – Илгари ярим куним кир ювиш билан ўтарди, ҳозир эса автомат машина ўзи ювиб, ўзи қуритиб беради. Бундай фаровон ва осуда ҳаёт кечиришимиз учун шароит яратиб берган Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз.

"Artel" бренди туширилган маиший техника воситалари истеъмолчилар дидига мос товарлар таклиф қилиш ҳамда маҳсулот таннархини арзонлаштириш орқали халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Корхона ташкил этилганда бу ерда телефонлар, газ плиталари ва чангютгичлар ишлаб чиқарилган бўлса, бугун 15 дан зиёд турдаги замонавий маиший техника воситалари истеъмолчига етказиб берилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Италиянинг Казерта шаҳрида республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва инвестициявий салоҳиятига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Римдаги элчихонаси томонидан мезбон давлатдаги "Confindustria" саноатчилар уюшмаси кўмагида ташкил этилган мазкур тадбирда Кампания минтақаси бизнес доиралари вакиллари қатнашди.

"ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ ОРТИБ БОРМОҚДА"

Маълумки, Апеннин ярим ороли жанубида жойлашган Кампания минтақасида қарийб 6 миллион аҳоли истиқомат қилади. У ерда Авеллино, Беневенто, Казерта, Неаполь ва Салерно провинциялари жойлашган. Қишлоқ хўжалиги, кимё ҳамда тўқимачилик саноати, сопол, шиша ишлаб чиқариш, кемасозлик ва сайёҳлик ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқлари ҳисобланади.

Тақдимот чоғида иштирокчилар республикамизни 2016 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, мамлакатимизда рўй бераётган тизимли ўзгаришлар ҳамда давлатнинг сармоявий сиёсатига оид маълумотлар билан яқиндан танишдилар. Учрашув доирасида Ўзбекистоннинг Италия билан ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлигидаги устувор йўналишлар атрофлича муҳокама этилди.

Унда сўзга чиққан **"Confindustria" уюшмаси халқаро бўлими бошлиғи Анжела Ренга** Кампания минтақаси тадбиркорларида ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш юзасидан жуда катта қизиқиш мавжуд эканлигини маълум қилди.

— Юртингизда бизнес юритиш учун тақдим этилган шароитлар, қулай ишбилармонлик муҳити, хорижлик инвесторлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича яратилган кафолатлар менда катта таассурот қолдирди, — деди у.

Сертификатлаш ва мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилган "QMS SrL" компаниясининг бошқарувчи директори Максимилиан Пасквалини юртимизнинг чуқур ўйланган иқтисодий ҳамда инвестициявий стратегияси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажми жадал ўсишини таъминлаётганини эътироф этди.

— Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ҳамда 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез тараққий топаётган бешта давлат қаторидан жой олгани бежиз эмас, — деди у. — Уч йилдан буён менежмент тизимини сертификатлаш ва тадбиркорларга халқаро миқёсда тан олинган сертификатлар бериш юзасидан ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Ўзбек компанияларини глобал даражада илгари суриш юзасидан ҳам изчил муносабатларни йўлга қўйганмиз. Шу ўринда давлатингиз иқтисодий жиҳатдан барқарор юксалиб бораётгани туфайли у ерда тайёрланаётган юқори сифатли маҳсулотлар жаҳон бозорига дадил кириб бораётганини алоҳида айтишни истардим. Бундай товарларга бутун дунёда, жумладан, Америка ва Европадаги мамлакатларда талаб тобора ортиб бораётгани ҳам ана шундан далолат беради.

"Жаҳон" АА,
Рим

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда сиёсий партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг доимий электорати манфаатлари ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастуридан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Ўрта Чирчиқ туманида "Кексалар доим эъзозда" деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 30 маҳалла фуқаролар йиғинидан ўн тўрттасида сайлов бўлиб ўтди. Жумладан, "Жайхун" маҳалла фуқаролар йиғинида очиқлик, тенглик ва демократик тамойиллар асосида ўтказилган сайловда маҳалла раиси ва унинг 9 маслаҳатчиси сайланди.

● Тошкент вилоятида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

● Хивада "Халфачилик: анъана ва замонавийлик жиҳатлари" мавзусида илмий-амалий анжуман ҳамда халфа қўшиқлари ижрочиларининг биринчи республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Қаршида 5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан ўтказилган давра суҳбати "Табиат – барчамизники" деб номланди.

ЖАҲОНДА

● Голландиядаги "Lopofiti" компанияси томонидан гибрид велосипедларнинг сўнгги электрон моделлари тақдимоти ўтказилди. Унда педаллар ўрнига ўзига хос услубда югуриш йўлакчаси ўрнатилган. Қизиғи шундаки, ушбу қурилма устида юриб ёки югуриб велосипед ҳаракатлантирилади. Шундай йўл билан ҳайдовчи ҳам спорт билан шуғулланади, ҳам ўз манзилига етиб олади.

● Швейцариялик аэронавтлар Андре Боршберг ва Бертран Пикар 2003 йилдан буён ўз дилларига тугиб қўйган орзуларини амалга оширмоқчилар — тез кунларда Solar Impulse 2 қуёш батареяларида парвоз қилувчи самолётда бутун жаҳон бўйлаб саёҳатни амалга ошираётган учувчилар Нью-Йоркдаги Озодлик ҳайкали устидан учиб ўтадилар.

● Кенг кўламдаги молиявий жиноятларни амалга оширган Болтиқ банкининг собиқ президентини излашга Интерпол ташкилоти киришди.

● Зика безгаги АҚШда ҳам кўпайиб бормоқда — ҳозирга қадар ушбу хавфли касалликка чалинган 500 дан ортиқ киши қайд этилди. Олимларнинг фикрича, тез орада чивинлар Зика безгагини мамлакат ҳудудининг катта қисмига тарқатади.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

МУСТАҚИЛ ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

"Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор уларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этишида ўз ифодасини топаётгани таъкидланди.

Мазкур танлов ҳам навқирон авлодни эзгу ғоялар атрофида бирлаштириш, истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичида туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 800 га яқин иқтидорли ёшлар иштирок этди.

15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар "Архитектура ва дизайн, либослар дизайни", "Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар", "Анъанавий ва амалий санъат", "Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни такомиллаштириш бўйича таклифлар", "Адабиёт ва журналистика" йўналишларида ўз билим ва салоҳиятини намойиш этди.

Ёшлар ижод саройида "Архитектура ва дизайн, либослар дизайни" ва "Анъанавий ва амалий санъат" йўналишларида ижод қилаётган бир гуруҳ ёшларнинг сара ишлари намойиш этилди. Ёш уста Муродулла Рожибоевнинг бир-бирини такрорламайдиган, бежирим ёғоч ўймакорлиги асосида яратилган буюмлари кўпчиликнинг эътиборини тортди.

– Мустақил диёрнинг бахтли фарзандларидан бири эканлигимдан фахрланаман, – дейди Республика рассомлик коллежи ўқувчиси М.Рожибоев. – Мамлакатимизда биз, ёшларнинг ўқиб, изланишимиз, ўз истеъдодимизни тўла намоён этиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллашимиз учун яратилган чексиз имкониятлар бизни улкан марралар сари руҳлантиради. Мен ҳам устозим Эргаш Алиевдан олган билимларимни ҳаётда қўллаб, халқ амалий санъатининг ноёб тури бўлган ёғоч ўймакорлигида ижод қилиб ўз меҳнатим билан юртим равнақига муносиб ҳисса қўшишни ният қилганман.

Танловда ҳакамлар ҳайъати аъзолари, санъат ва маданият вакиллари ҳамда ташкилотчилар ёш истеъдод эгаларининг иқтидорини баҳолади. Танлов якунида ғолиб ва совриндорлар диплом ва сертификатлар билан тақдирланиб, мамлакат босқичига йўлланма олди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

МАҲАЛЛА — ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

"Соҳибқирон" маҳалласи Сергели туманидаги ҳар томонлама обод масканлардан биридир. Бугунги кунда ҳудудда 15 та кўп қаватли уйлар бўлиб, 4 мингдан ортиқ аҳоли тинч-тотувликда, ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда. Кейинги пайтда бу ерда бир қатор савдо, маиший ва спорт иншоотлари қуриб фойдаланишга топширилди.

Шаҳримиздаги барча маҳаллалар қаторида, "Соҳибқирон" маҳалласида ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига пухта тайёргарлик кўрилди.

— Сайловни ўтказиш юзасидан Олий Мажлис Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартдаги қарори чиққан кундан бошлаб, қонунда белгиланган тартибда ишларни амалга оширдик, — дейди сайловни ўтказувчи "Соҳибқирон" маҳалласи ишчи гуруҳи раиси Феруза Раҳимқулова. — Бугунги оқсоқол ўз маҳалласини яхши биладиган, ҳаёт тажрибасига эга, аҳолининг муаммоларини ҳал қила оладиган тадбиркор шахс бўлиши керак. Биз бу борада маҳаллада истиқомат қилувчи сайловчилар билан тушунтириш ишларини олиб бордик ва имкон борича энг муносибларни номзодликка кўрсатдик.

Белгиланган жойда вакиллар ҳозир бўлишди. Ишчи гуруҳ раиси иштирокчиларни маҳалла раислигига кўрсатилган уч номзод билан муфассал таништирди. Номзодлар йиғилганларни ўз дастурлари билан таништиргач, яширин овоз беришга келишилди. Сайловда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган Бахтиёр Қорабоев "Соҳибқирон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Йиғилишда фуқаролар йиғини раисининг 17 нафар маслаҳатчилари ҳам сайлаб олинди.

— Бугун маҳалла оқсоқолига катта масъулият қўйилмоқда ва мен буни чуқур ҳис қиламан, — дейди маҳалла раиси этиб сайланган Б. Қорабоев. — Давр биздан фаолликни, доимо огоҳликни талаб қилаяпти. Биз маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда эзгу ишларни амалга оширишни режалаштирмоқдамиз.

Вакиллар ўзлари ишонч билдирган янги раиснинг ишига омад тилашди.

З.ШАРИФЖОНОВ







ЎзА олган суратлар

МАМЛАКАТИМИЗ НОМИНИ ДУНЁГА ЁЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Artel"да ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маиший техника воситасининг ўндан ортиқ модели мавжуд. Бу маҳсулотлар хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Жанубий Кореянинг Samsung, LG, Япониянинг Toshiba, Ulvac, Бразилиянинг Embraco ва бошқа машҳур фирмалар билан ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан кенг алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, маҳсулотларнинг маҳаллийлаштириш даражаси қарийб эллик фоизни ташкил қилмоқда.

"Artel" мобиль телефонлари жаҳон бозоридаги талабни инобатга олиб, кўплаб технологик янгиликлар ва замонавий дизайн асосида тайёрланмоқда. Юқори сифатли ушбу телефонлар хорижникидан анча арзон бўлиб, маҳаллий фойдаланувчилар учун қатор қулайликларга эга.

– Ҳозирги кунда мобиль телефонларнинг 15 дан ортиқ моделини харидорларга етказиб бераяпмиз, – дейди ЎзА мухбирига "Artel" русумидаги мобиль телефонлар ишлаб чиқариш корхонаси бошқарувчи директори Алишер Совуров. – Келгусида бу кўрсаткични янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Ушбу маҳсулотлар сифати, функциялар мажмуи, технологик тузилиши ва замонавий дизайни, арзон нархи билан импорт қилинадиган муқобилларидан сира қолишмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида "Artel" компаниясининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Президентимизнинг 2015 йил 24 ноябрдаги қарорига асосан Наманган вилояти Мингбулоқ туманида умумий қиймати 5,5 миллион доллар бўлган маиший техника воситалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги завод барпо қилиш режалаштирилган. Ушбу заводнинг ишга туширилиши ҳудудда икки юзга яқин янги иш ўрни яратишга хизмат қилади.

"Artel" савдо белгиси остида фаолият юритаётган "Sky Wind Systems" масъулияти чекланган жамиятидан маълум қилишларича, музлаткичлар ва телевизорларнинг янги турларини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Йил охирига қадар кир ювиш машиналари, чангютгичларнинг янги русумларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

"Artel" компанияси касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлашга ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Корхона ишчиларининг олтмиш фоиздан зиёди коллежлар битирувчиларидир.

– 2014 йил Яшнобод туманидаги темир йўл касб-ҳунар коллежини тамомлаб, ушбу замонавий корхонага ишга кирдим, – дейди ёш мутахассис Аҳрор Мансурхонов. – Корхонанинг кондиционерлар учун мис қувурлар ишлаб чиқариш бўлимида пайвандчи бўлиб ишлаяпман. Шундай нуфузли компанияда ишлаётганимдан, оиламга, жамиятимизга наф келтираётганимдан хурсандман.

– Кун сайин янги-янги қулайликлар, имкониятларга эга бўлиб бораяпмиз, – дейди тошкентлик уй бекаси Назокат Муҳиддинова. – Яқинда "Artel" савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган кир ювиш машинасини artelmarket.uz интернет-дўкони орқали уйда ўтириб, харид қилдик. Click орқали тўловларни амалга оширдик. Маҳсулот уйимизга бепул келтириб берилди.

Юртдошларимиз турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, дунёқарашини ўзгартириш, уларга замонавий маиший шароитлар яратиш, уй-рўзғордаги ишларни енгиллаштириш каби эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилаётган "Artel" каби компанияларимиз "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган бренд обрўсини жаҳонга кенг ёймоқда.

Азима ҚИЁСОВА

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Пойтахтимиздаги "Болажон" маданият ва истироҳат боғида "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Болалар қувончига қувонч қўшган мазкур тадбир 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандлари иштирок этган тадбирда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва "Ўзбеккино" Миллий агентлигининг Тошкент шаҳар бўлимларининг актёр ва актрисалари ҳамда санъаткорлар болаларнинг қувончига қувонч қўшишди.

— Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини катта тантаналар билан нишонлаш арафасидамиз, — дейди "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгашининг етакчи мутахассиси Азиз Баҳодиров. — Тарихан қисқа бир даврда халқимиз том маънода бунёдкор, яратувчи эканлигини дунёга яна бир бор намоён этди. Юртимизнинг бардавом авлоди бўлмиш ўғил-қизларимизнинг бахтли ҳаёт кечиришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида ўтказилган тадбирда болалар учун маданий дастурлар, кўргазмалар ташкил этилди.

Тадбир давомида спортчиларнинг бадиий гимнастика, шарқ якка курашлари бўйича кўргазмали чиқишлари, шахмат-шашка, стол тенниси мусобақалари, викториналар, ўқувчилар ўртасида асфальтга расм чизиш кўриктанлови ўтказилди. Тадбир иштирокчилари ва ғолиблари муносиб рағбатлантирилди.

— Мазкур боғдаги сайилда иштирок этиб, маҳоратимни намойиш этиш имконига эга бўлдим, — дейди Севинч Азимова. — Бадиий гимнастика билан 5 йилдан бери шуғулланаман. Спортнинг жадал ривожланаётгани, унга ошно ўғил-қизларнинг доимо қўллаб-қувватланаётгани мени янада олға интилишимга туртки бўлмоқда.

"Марварид", "Кўзмунчоқ" болалар ашула ва рақс ансамблининг истеъдодли ёшларининг чиқишлари барчага завқ-шавқ бахш этди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгашлари қошидаги "Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази" томонидан кўргазмалар ҳам ташкил этилди.

Болаларни бирлаштириш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, истеъдод ва қобилиятларини намоён қилишлари ҳамда ривожлантириш мақсадида ўтказилган байрам тадбири барчанинг ёдидан кўтарилмайди.

* * *

"Баркамол авлод" республика болалар техник ижодиёт марказида байрам тадбири ўтказилди.

Мазкур тадбир "Баркамол авлод" республика болалар техник ижодиёти маркази ҳамда "Ватанпарвар" ташкилоти "Шайхонтоҳур ЎСТК" унитар корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

"Баркамол авлод" республика болалар техник ижодиёт марказида бугунги кунда техник ижодкорлик, бадиий ижодиёт ва экология йўналишида жами 25 тўгарак фаолият юритмоқда. Авиамодель, карвинг, бошланғич техник моделлаштириш, ёш дастурчи, дурадгорлик, кулолчилик, компьютер сабоқлари, тасвирий санъат, ёш қандолатчи, тўқиш, бичиш-тикиш, мунчоқли безак, инглиз, рус тили, либослар дизайни, миллий рақс, ёш доирачи, шахмат тўгаракларига ўғил-қизлар катта қизиқиш билан қатнашишмоқда.

Тадбирда тўгарак аъзолари томонидан қўшиқ, рақслар ижро этилди. Тўгарак аъзоларининг ижодий ишларидан иборат кўргазмалар ташкил этилди. "Турон" спорт жамоасининг кўргазмали чиқишлари, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошида фаолият юритаётган қўғирчоқ театрининг томошалари тадбир қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлади. Шунингдек, тадбир давомида 2015-2016 ўқув йилининг тугалланиши муносабати билан "Битирувчи – 2016" маросими ҳам ўтказилди. "Баркамол авлод" республика болалар техник ижодиёти маркази томонидан ўқувчи-ёшларга қўшимча таълим олганлик тўғрисидаги гувоҳномалар тарқатилди. Тўгаракларнинг энг илғор аъзолари турли номинациялар бўйича эсдалик совғалари билан тақдирланди.

* * *

Юнусобод туманидаги "Туркқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам болажонлар қувончига қувонч қўшиш мақсадида "Бахтиёр болалик" шиори остида байрам тадбири ўтказилди.

"Камолот" ЁИҲ Юнусобод тумани Кенгаши қошидаги "Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази" томонидан ташкил этилган тадбирда "Ёзни "Камолот" билан!" лойиҳасининг очилгани эълон қилинди.

Мамлакатимиз, хусусан, пойтахтимизда байрам муносабати билан "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида турли тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказилди. "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши ҳам бунга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Кенгаш қошидаги "Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази" ўз фаолиятини 2008 йилда бошлаган бўлиб, болаларнинг ёзги таътил вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни касб-ҳунарга ўргатишни мақсад қилган. Тадбирда тўгарак аъзоларининг кўргазмалари ҳам ташкил этилди. Истеъдодли ўғил-қизлар томонидан куй-қўшиқлар янграб, дилбар рақслар ижро этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЎСИМЛИК ДУНЁСИ МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Аграр ва сув хўжалиги масалалари ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталари ҳамкорлигида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Парламент қуйи палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Т.Эшназаров ва бошқалар мамлакатимизда ўсимлик дунёсини муҳофаза этишда унинг атроф-муҳит мувозанатини таъминлашдаги ўрни, тирик мавжудотнинг яшаши учун муҳим бўлган кислород етказиб бериш, ерни сув ва шамол эрозиясидан сақлашини эътиборга олиш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистонда 4600 дан ортиқ ўсимлик тури мавжуд. Шундан 3000 дан ортиғи ёввойи ҳолда ўсувчи бўлиб, улардан 9 фоизи эндемик, яъни дунёнинг бошқа жойларида учрамайдиган турлардан иборат.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёввойи ўсимлик турларининг генетик фондини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш бўйича улкан тажриба тўпланди. Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги, асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисидаги конвенцияларга қўшилди.

– Ўсимлик турларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун дастуруламал бўлмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Содиржон Жакбаров. – Бироқ мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш бўйича мақсадли сиёсатнинг олиб борилиши туфайли эришилган ижобий ўзгаришлар халқаро ҳуқуқ нормаларини инобатга олган ҳолда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Янги қонун лойиҳасида асосий тушунчаларга шарҳлар бериш, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда иштирок этиш ҳуқуқини белгилаш, давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ваколатларидан келиб чиққан ҳолда ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш бўйича янги меъёрларни киритиш таклиф этилмоқда.

Давра суҳбатида қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

С.ШОЕВА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлардан бири прокуратура органларидир. Соҳада ушбу йўналишда тизимли ишлар олиб борилиши билан бирга қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

ПРОКУРАТУРА ТИЗИМИДА ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки мавзуида ўтказилган семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Унда депутатлар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Адлия вазирлиги, прокуратура органлари масъул ходимлари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, уларнинг самарадорлигини оширишда қонуний асосларни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этишига хизмат қилаётгани таъкидланди. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, фуқаролик институтларини ривожлантириш бўйича қилинган ишлар дунё ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Бу жараёнда қонун ижодкорлиги соҳаси ривожлангани, қонунларнинг ижтимоий ҳаётга, социал-иқтисодий ислоҳотларга мослиги таъминланаётгани муҳим ўрин тутмоқда.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг энг муҳим вазифаларидан бири – қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқишдир. Шу билан бирга, барча мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қонунларни ижрочиларга ўз вақтида етказиш ва уларнинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш зарур.

Семинарда амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонун лойиҳаларини тайёрлашда хорижий тажрибани ўрганиш масалаларига эътибор қаратилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, қабул қилинган қонунларни ижрочилар ва аҳолига етказиш борасидаги вазифалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ТИНЧЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда "Тинчлик – олий неъмат" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Мазкур йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Олмазор тумани бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган бўлиб, унда мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда академик лицейнинг профессор-ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш авлод жаннатмакон юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етиши ва ана шундай неъматни асраб-авайлаш ҳозирги таҳликали замонда ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи лозимлиги, хушёрлик ва огоҳлик давр талаби эканлиги, қолаверса, ҳавоси мусаффо, осмони беғубор, осойишталик ҳукм сураётган заминдагина ривожланиш ва тараққиёт бўлиши ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— Бугунги тадбирни ўтказишдан асосий мақсадимиз академик лицейда таҳсил олаётган ўқувчиларда ватанпарварлик ҳиссини оширишдан иборат. Маълумки, чет элларга ишлаш учун чиқиб кетаётган фуқароларимиз орасида ёшларнинг ҳам борлиги ва уларнинг кўпчилиги хорижда одам савдоси қурбонига айланиб қолаётгани, айримлари эса диний-экстремистик ҳамда террористик ташкилотларга аъзо бўлиб қолаётгани ачинарли ҳол. Бундай офату кулфатларнинг олдини олишда нафақат педагоглар, балки ота-оналар ҳам ҳушёр бўлишлари керак. Зеро, фарзандларимизнинг келажакда маънан етук, салоҳиятли, соғлом ва баркамол авлод бўлиб тарбия топишлари учун барчамиз масъулмиз, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Феруза Хайруллахўжаева.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Олмазор тумани бўлими ходимлари академик лицей ўқувчиларига давлат томонидан ундириладиган солиқлар бюджет воситасида қайта тақсимланиб, соғлиқни сақлаш, маориф, илм-фанни ривожлантириш, пенсия жамғармаси, ёлғиз ва ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга қаратилиши, қолаверса, мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, миллий хавфсизлик каби зарур давлат хизматларига йўналтирилиши ҳақида атрофлича тушунчалар беришди.

Учрашув давомида "Тинчлик – олий неъмат" фильми йиғилганларга намойиш этилди. Шундан сўнг тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган ва йиғилишда муҳокама этилган мавзуларга оид барча саволлар бўйича мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Меҳнаткашларнинг самарали фаолият юритиши учун уларнинг билим-кўникмаларини юксалтириш билан бир қаторда маданий ҳордиқ чиқариши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бирлашган касаба уюшмасининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғи сифатида ИИББ Бирлашган қўмитаси томонидан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган "Сокол" дам олиш оромгоҳида ўтказилган тадбирни келтириб ўтишимиз мумкин. Унда бошланғич ташкилот раислари ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этдилар. Сайёр ўқув-семинарида "Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан Ички ишлар вазирлиги ва унинг тизимларида махсус ва ҳарбий унвонга эга бўлмаган эркин ёлланган ходимларни 2016-2017 йилларда ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ҳуқуқи ва манфаатларини муҳофаза қилишни таъминлаш юзасидан тармоқ келишуви асосида касаба уюшма бошланғич ташкилотларида жамоа шартномаларини тузиш" мавзуси атрофлича муҳокама қилинди.

Мазкур тадбирда дастлаб, ИИББ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳмуд Якубов сўз олиб, касаба уюшма қўмитасининг фаолияти, олиб борилаётган амалий ишлар ва тармоқ келишуви тўғрисида батафсил тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Шунингдек, Бош бошқарма Бирлашган касаба уюшма қўмитаси бошланғич ташкилоти раислари ҳам ўзларининг тизимларида ўтказилган ҳисобот йиғилишларида муҳокама қилинган масалалар ҳамда бошқа турли таклиф-мулоҳазалар билан фикр алмашишди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Тадбир якунида келгусида қилинажак ишлар хусусида тегишли қарор қабул қилинди.

Сарвар СОБИРОВ





МАҚСАД:

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Республикамиз мустақилликка эришганидан ҳозирги кунгача бўлган даврга назар ташласак, фан, таълим, маданият, ишлаб чиқариш ва бунёдкорлик соҳалари каби тиббиёт тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, пойтахтимизда иш олиб бораётган "BRAVO PHARMA" фармацевтик компаниясининг тиббий ижтимоий ташхис ва диагностика лаборатория маркази аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга қаратилган эзгу ишларнинг амалий кўринишидир.

— Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистонда аҳолига ўз вақтида сифатли тиббий хизматни ташкил этиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда, — дейди "BRAVO PHARMA" компанияси директори Маниш Кумар. — Хусусан, тиббиёт масканларининг замонавий жиҳозлар билан таъминланиши, шифокорларнинг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ишларининг кенг йўлга қўйилганлигини айтиб ўтишни истардим. Жумладан, мазкур тиббий лаборатория марказининг иш бошлаши аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга касалликларни эрта аниқлаш борасидаги имкониятларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

— Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш долзарб вазифага айланди. Шу жиҳатдан олиб қараганда "Соғлом она ва бола йили"да марказнинг малакали шифокор ва ҳамширалари томонидан аҳоли, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этишга кўмаклашиш олий мақсад қилиб олинди, — дейди биз билан суҳбатда марказ раҳбари Аҳмадали Аҳмаджонов.

Бугунги кунда пойтахтимизда самарали иш олиб бораётган янги марказ Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари ўртасида тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

К.ЗОКИРОВ

ҚАНОАТ ВА ШУКРОНАЛИК ОЙИ

Муқаддас динимиз арконларидан бири адо этиладиган Рамазон ойи кириб келди. Халқимиз бу муборак ойда хайрли амалларни кўпайтиришга, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга интилади.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий-диний қадриятларимиз тикланиб, Рамазон, Қурбон ҳайитларини нишонлаш, фазилатли кунлар шарофатидан баҳраманд бўлишга кенг йўл очилди. Халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқиб, муборак Ҳаж ва Умра зиёратларига бориш имконияти яратилди. Диний маросимларимиз ва миллий урф-одатларимизни эмин-эркин адо этиш бахтига мушарраф бўлганимиз ва бошқа кўплаб хайрли ишлар амалга оширилдики, бунинг учун ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Президентимизнинг 2016 йил 1 июндаги "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги Қарори миллий-диний қадриятларимизга эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Собиқ мустабид тузум даврида Рамазон ойини кўтаринкилик ва ҳамжиҳатлик билан ўтказиш у ёқда турсин, оддий маросим ва маъракаларни адо этиш ҳам таъқибга олинган эди.

Мамлакатимизда барча эзгу ишлар инсон шаънини улуғлаш, унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган. Жумладан, мўмин-мусулмонларга рўза амалларини эмин-эркин бажариши учун зарур шароит яратилган. Улуғ аждодларимиз, азиз-авлиёларимизнинг хотирасини тиклаш, бой меросини ўрганиш, табаррук қадамжоларни ободонлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилаётир. Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз шарофати, Юртбошимизнинг кўп асрлик қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори самарасидир.

Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирлар юртимизда ҳар йили кўтаринки руҳда ўтказилади. Ҳайит намозлари тинчлик-осойишталикда, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликда адо этилади. Бу эзгу ишларни муносиб тартибда ўтказишда тегишли ташкилот ва идоралар, маҳалла фаоллари жонбозлик кўрсатади.

Президентимиз қарорида муқаддас Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва уйғун тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби маҳалламизда ҳам ушбу қутлуғ айёмда муқаддас Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз арконларини, бугунги тинч-осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни яхшилик қилишга, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этишга қаратилган тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилади. Беморлар, эҳтиёжманд кишилар ҳолидан хабар олиниб, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш, оилаларда маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, қабристонлар, муқаддас зиёратгоҳларни ободонлаштириш каби хайрли ишлар янада кучайтирилади.

Рамазон ойини халқимизнинг эзгу анъаналарига муносиб, тинч-хотиржам ўтказишда катта ҳаётий тажрибага эга оқсоқолларимиз, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси профилактика нозирлари фаол иштирок этади.

Рамазон ойида инсон ҳам маънан, ҳам жисмонан покликка эришади, руҳан юксалади. Шу боис ушбу қутлуғ ва баракотли ойда ҳар биримиз эзгу ниятлар қилайлик, Яратгандан юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик бардавом бўлишини тилайлик. Рамазон ойини тинчлик, осойишталик ва хурсандчиликда ўтказиш ҳаммамизга насиб этсин.

Хайрулла ҲИКМАТОВ,
Тошкент шаҳар,
Олмазор туманидаги
Ачаобод маҳалла
фуқаролар йиғини раиси,
"Фидокорона хизматлари учун"
ордени соҳиби
(ЎзА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улуғбек туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Мирзо Улуғбек туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Танловда иштирок этувчилар аризалари 2016 йилнинг 10 июнидан бошлаб 10 июль соат 18:00га қадар Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, 27а-уй (Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техника базаси (замонавий технологик жиҳозлар), озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган талабгорлар иштирок этишлари мумкин.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, талабгорлар томонидан муҳрланган (агар муҳр мавжуд бўлса) конвертда танлов комиссиясига тақдим этилади:

— умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;

— махсус моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

— бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

— талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;

— талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танлов 2016 йилнинг 20 июль куни соат 10.00да Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, 27а-уй, 1-хона (Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да бошланади.

Танловга оид қўшимча маълумотлар билан m-ulugbekxtb.uz сайти орқали танишишингиз ва (99871) 230-40-78, 263-10-05 телефонлари ҳамда mirzo ulugbek txtb@xtv.uz электрон почта манзили орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Ошхонаси танловга қўйилаётган Мирзо Улуғбек туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари

№	Мактаб рақами	Мактаб манзили
1	18-мактаб	Асака кўчаси, 5-уй
2	27-мактаб	Ф.Ходжаев кўчаси, 24-уй
3	35-мактаб	ТТЗ-4 массиви
4	49-мактаб	Бўз даҳаси, 2-уй
5	50-мактаб	Хоразм кўчаси, 8-уй
6	54-мактаб	Улуғбек шаҳарчаси, Ломоносов кўчаси, 1-уй
7	64-мактаб	Содиқ Азимов кўчаси, 35-а уй
8	71-мактаб	Буюк Ипак йўли кўчаси, 48-уй
9	112-мактаб	Ангрен кўчаси, 54-уй
10	120-мактаб	Аҳмад Югнакий мавзеси
11	121-мактаб	Қорасув-4 мавзеси
12	142-мактаб	Оққўрғон кўчаси, 19-уй
13	148-мактаб	Паркент кўчаси, 271-уй
14	187-мактаб	Яланғоч мавзеси
15	205-мактаб	Феруза кўчаси, 31-уй
16	207-мактаб	Буюк Ипак йўли кўчаси, 388-уй
17	208-мактаб	Қорасув-2 мавзеси
18	209-мактаб	Қорасув-1 мавзеси
19	210-мактаб	ТТЗ-1 мавзеси
20	211-мактаб	Гулсанам кўчаси, 1-уй
21	221-мактаб	Феруза мавзеси
22	222-мактаб	Қорасув-6 мавзеси, Авайхон кўчаси, 15-уй
23	223-мактаб	Феруза мавзеси
24	225-мактаб	Қаландар кўчаси, 5-уй
25	241-мактаб	Салом кўчаси, 1-уй, инд:100077
26	248-мактаб	ТТЗ-2 мавзеси, 142-уй
27	256-мактаб	Аҳмад Югнакий мавзеси
28	275-мактаб	Қорасув-6 мавзеси
29	279-мактаб	Ҳумоюн мавзеси, 17-уй
30	286-мактаб	Улуғбек шаҳарчаси
31	308-мактаб	Қорасув-1 мавзеси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳри

Шайхонтоҳур туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Миробод туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1.Комиссия номига ариза;
2.Паспорт нусхаси;
3.Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4.Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5.Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6.Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
7.Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2016 йил 23 июнь). Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 11 майдаги "Ўзбекистон Миллий университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2527-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2016 йил 26 майдаги 76к-ПО-сонли буйруғи қабул қилиниши муносабати билан аввал оммавий оферта савдоларига чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти тасарруфидаги Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчасида жойлашган "Физиклар уйи" бино-иншоотлари савдолардан олинди.

Мазкур бино-иншоотларнинг оммавий оферта савдоларига сотилиши юзасидан "Тошкент оқшоми" газетасининг 28.04.2016 йилдаги №88(13.151)-сонли ва "Биржа" газетасининг 28.04.2016 йилдаги №49 (2068)-сонли нашрларида берилган реклама эълонлари бекор қилинган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 апрелдаги "Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган "Ўзагроэкспорт" ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2515-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2016 йил 23 майдаги 74 к-ПО-сонли буйруғи қабул қилиниши муносабати билан аввал биржа савдоларига чиқарилган "Халқ истеъмол товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази" АЖ устав фондидаги 49,0 фоиз акциялар пакети Биржа савдоларидан олинди.

Мазкур акциялар пакетининг биржа савдоларига чиқарилиши юзасидан "Биржа" газетасининг 29.09.2015 йилдаги № 114 (1981)-сонли ва "Тошкент оқшоми" газетасининг 29.09.2015 йилдаги № 198 (13.011)-сонли нашрларида берилган реклама эълонлари бекор қилинган деб ҳисоблансин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 11 май кунги 96-сонида хабар қилинган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уйда жойлашган хонадонларнинг аукцион савдоси Юнусобод туман суд ижрочилари бўлимининг 2016 йил 2 июнь кунги хатига асосан тўхтатилди.

"Capital Realtor Group" МЧЖ маъмурияти.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Спорт янгиликлари

Пойтахтимиздаги “Камолот” спорт саломатлик мажмуасида 2003-2010 йилларда туғилган қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича “Камолот” кубоги халқаро турнири ўтказилди.

ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ

Ёшларни спорт мусобақаларига оммавий тарзда жалб қилиш, спортнинг бадиий гимнастика турини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан илк маротаба ўтказилган мазкур мусобақада Ўзбекистон, Россия, Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикаларидан юздан зиёд гимнастикачи қизлар ўзаро куч синашди.

Икки кун давомида бўлиб ўтган мусобақада “А” ва “Б” гуруҳлар бўйича қизлар ўзаро беллашдилар ҳамда гимнастика усталари томонидан ўтказилган маҳорат дарсларида иштирок этиб, ўз маҳоратларини янада оширдилар.

— Ёш авлоднинг соғлом бўлиб вояга етиши учун жисмоний тарбиянинг аҳамияти катта, — дейди “Камолот” спорт саломатлик мажмуаси” МЧЖ раҳбари Зарина Абдуллаева. — Шуни эътиборга олган ҳолда болалар спортини ривожлантириш мақсадида болалар ва ўсмирлар учун мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мамлакатимизда ёшларни, хусусан, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сафи тобора кенгайиб бораётгани бунинг далилидир.

— Қизим Камола Қобилбекова беш йилдан буён бадиий гимнастика билан шуғулланиб келади, — дейди Зулфия Юсупова. — Ўтган вақт ичида кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Халқаро турнирларда муносиб иштирок этиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилаётганидан беҳад хурсандман. Ўтган йили Италия, Москва, Қозоғистонда ўтказилган мусобақаларда биринчи ўринларни қўлга киритди. Ёш авлоднинг соғлом бўлиб вояга етиши учун спортнинг аҳамияти катта. Бадиий гимнастика қизлар саломатлиги, қадди-қоматининг расо бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Келгусида қизимнинг жаҳон чемпиони бўлишини, юртимиз байроғини янада баланд кўтаришини истаб қоламан.

Турнирда гимнастикачиларимиздан Сўғдиёна Абдуразоқова, Раъно Исломова, Анастасия Степаненко, Камола Қобилбекова, Айнура Музаффарова, Самира Юсупова, Сабина Ҳамидуллаева, Диёра Ҳамидуллаева, Дилшода Салимова, Диёра Маннонова, Зилола Манқулова, Самира Гусенова, Ойдин Қосимжоновалар ўз ёш тоифаларида ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олдилар.

— Мен спортнинг бадиий гимнастика тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқдаман, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 180-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Диёра Ҳамидуллаева. — Мусобақада иккинчи ўринни қўлга киритганимдан жуда хурсандман. Бадиий гимнастикадан ташқари расм чизишга, бадиий китоблар ўқишга жуда қизиқаман. Мусобақада кўплаб дўстлар орттирдим.

Қизғин ва муросасиз бўлган мусобақада ғолиб ва фаол иштирокчилар диплом ва медаллар, фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Зарина РУСТАМОВА

ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАР ВА ИЖОДИЁТ БАЙРАМИ

Тошкент ҳайвонот боғида “Жонли табиат куни” мавзуида экологик билимлар ва ижодиёт байрами бўлиб ўтди. Экология ҳафталиги доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, мутахассислар, Тошкент шаҳар “Баркамол авлод” болалар ижодиёт марказлари ёшлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Д.Файзиева, Тошкент ҳайвонот боғи директори Б.Мусаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида экологик таълимни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ёш авлодни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейларда ёшларга экологик таълим-тарбия беришнинг изчил тизими яратилган. “Баркамол авлод” болалар ижодиёт марказларининг ташкил этилиши навқирон авлоднинг бу йўналишдаги билим ва дунёқарашини ривожлантириш, ижодий қобилиятини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлаётир. Пойтахтимиздаги шундай марказларда қирқдан ортиқ йўналишда тўгараклар ташкил этилган. “Экологик дизайн”, “Тасвирий санъат” каби тўгаракларда ёшларга экологик таълим-тарбия бериш билан бирга, уларнинг ижодий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Тадбирда “Баркамол авлод” марказлари ўқувчиларининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Устоз-мураббийлар, эколог мутахассислар томонидан табиат манзараларини тасвирлаш бўйича маҳорат сабоқлари уюштирилди. “Атрофимиздаги олам” мавзуида расм чизиш бўйича ижодий танлов ташкил этилиб, ғолиблар тақдирланди.

СОҒЛОМ МУҲИТ – БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида 5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, эколог мутахассислар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий, экологик ислоҳотлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат бойликларини асраш ва келажак авлодга етказишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасига йўналтирилган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда нодавлат тузилмалар ҳам фаол иштирок этаётир. Ўзбекистон Экологик ҳаракати тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда “Соғлом муҳит – инсон саломатлиги” шиори остида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Бу жараёнда экологик лойиҳалар кўламини кенгайтириш, соҳага оид қонунлар, дастур ва лойиҳаларнинг ижро механизмини такомиллаштириш, жамоат экологик назоратини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари томонидан экологик қонунчиликни такомиллаштириш, қонунларнинг жойлардаги ижроси самарадорлигини ўрганиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилаётир.

Тадбир доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Онажоним табиат” ижодий танлови, олимлар, шифокорлар ҳамда журналистлар ўртасида ўтказилаётган тиббиёт ва экология соҳасидаги илмий-оммабоп мақолалар танлови, талабалар ва ёш олимлар иштирокидаги “Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши ғоя” танловлари ғолиблари тақдирланди.

– Устозларим кўмагида пахта саноати корхоналари чиқиндиларини қайта ишлаб, иккиламчи хомашё олишга оид илмий изланиш олиб бораётирман, – дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси, “Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши ғоя” танлови ғолиби Жавоҳир Рустамов. – Ушбу танлов илмий лойиҳаларимизни олимлар ва эколог мутахассислар кўригидан ўтказиш ва кенг жамоатчиликка намойиш этиш имконини берди.

(ЎзА)

Япониянинг Кавасаки шаҳрида енгил атлетика бўйича “Seiko Golden Grand Prix 2016 Kawasaki” халқаро мусобақаси бўлиб ўтди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЮҚОРИ ПОҒОНАЛАРНИ ЭГАЛЛАДИ

Дунёнинг энг кучли спортчилари иштирокида кечган мусобақада терма жамоамиз вакиллари ҳам муносиб иштирок этишди. Аёллар ўртасида баландликка сакраш секторида баҳс олиб борган Светлана Радзивил 1.90 метр натижа билан мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлди. Ушбу йўналишда ғолиблик америкалик Лиз Паттерсонга насиб этди. Радзивил билан хитойлик Жэн Синань ҳам бир хил натижа қайд этди. Бироқ уринишлардан фойдаланиш борасидаги устунлик Светланада яхши бўлгани учун ҳамюртимиз иккинчи ўринга кўтарилди.

Афсуски, айни шу йўналишда қатнашган Надия Дусановнинг барча уринишлари самарасиз якунланиб, ўзига берилган имкониятдан фойдалана олмади. Енгил атлетика мухлисларига маълумки, бу спортчимиз бошқа мусобақаларда бир неча марта 1.94 метр натижани ҳам бемалол забт этишнинг уддасидан чиққан.



Муҳаммад Амин олган сурат

ПОЙТАХТ ВАТЕРПОЛЧИЛАРИ ҒОЛИБ

Наманган шаҳрида ўсмирлар ўртасида сув полоси бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада Наманган, Хоразм, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан жами ўн олтита жамоа иштирок этди. Финалда Наманган сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоасини 21:12 ҳисобида мағлуб этган Тошкент шаҳрининг марказий ҳарбий спорт клуби олтин медални қўлга киритди. Ҳал қилувчи баҳсда рақибидан енгилган Наманган сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ватерполчиларига кумуш медаль, бронза медали эса Наманган вилояти терма жамоасига насиб этди.

Қизлар иштирокидаги ҳал қилувчи беллашувда Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби ҳамда Наманган вилояти терма жамоаси мусобақалашди. Унда маҳорат бобида катта устунликка эга бўлган пойтахтимиз вакиллари 16:5 ҳисобида ғалаба қозонди. Наманганликлар иккинчи, Хоразмнинг “Урганч ОЗК” жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

МАҲОРАТЛИЛАР КЎРИГИ

Россияда шахмат бўйича ўтказилган анъанавий “Volzhskay ladia – 2016” халқаро турнирида ҳамюртимиз Роман Голубев фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Мусобақада элликдан зиёд маҳоратли шахматчилар ўз омадларини синаб кўриш учун дона суришди. Аҳамиятлиси, блиц-турнирда иштирок этган ўзбекистонлик шахматчи 11 имкониятдан саккиз ярим очко жамғариб, мусобақани иккинчи ўринда якунлади.

Таъкидлаш жоиз, Роман бир қатор ғалабаларини қора доналар билан ўйнаганда қўлга киритди. Айниқса, мезбонлар вакили билан бўлган баҳсдаги ажойиб ғалаба спортчимизга юқори поғонадан ўрин эгаллашида ёрдам берди. Шахматчимиз кўрсатган ўзига хос ўйин услуби мусобақани кузатиб борган мутахассислар эътирофига сабаб бўлди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Футбол бўйича 2018 йилда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи учинчи босқичига қитъамизнинг 12 та энг кучли терма жамоалари тайёргарликни бошлаб юборишди.

ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

Мундиал йўлланмаси учун курашни давом эттираётган Сурия терма жамоаси жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичида Ўзбекистон миллий терма жамоаси билан бир гуруҳдан ўрин эгаллаган.

Куни кеча Вьетнамда Вьетнам ва Сурия терма жамоалари назорат-ўртоқлик учрашувида ўзаро куч синашишди. Ушбу баҳсни миллий терма жамоамиз катта мураббийси Равшан Ҳайдаров бевосита стадионда кузатди. Чунки жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи учинчи босқичи биринчи учрашувини 1 сентябрда айнан Тошкентда Ўзбекистон миллий терма жамоаси суриялик чарм тўп усталарига қарши ўтказади. Шу боис ҳам рақиб терма жамоанинг жисмоний ва руҳий имкониятлари, футболчиларнинг хатти-ҳаракатлари мураббийларимиз томонидан жиддий ўрганилиши табиий ҳол.

МУРАББИЙЛАР ШТАБИДА ЎЗГАРИШ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXV миллий чемпионатининг 10-тур баҳслари ортда қолди.

Лекин жорий йилги мавсумда амалдаги чемпион жамоамиз “Пахтакор” муваффақиятсиз иштирок этмоқда. Тошкентда “Нефтчи”га пахтакорчилар 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб, муҳим очколардан маҳрум бўлишгач, бош мураббий Нўъмон Ҳасанов истеъфога чиқди. Эндиликда “Пахтакор”ни мураббийлар штабида фаолият юритиб келаётган Григорий Колосовский бош мураббий сифатида бошқаради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларнинг ҳар томонлама камол топиб, ўзлари танлаган касбларида етук мутахассислар бўлиб етишишларига эътибор қаратилмоқда. Маданий ҳаётимизда муҳим йўналишлардан ҳисобланган санъатга эндигина кириб келаётган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, улардаги ижоднинг ўзига хос қирраларини кашф этиш, тарғиб этишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Кўргазмалар

САРА АСАРЛАР НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадиий академиясининг Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал-боғ музейида Соғлом она ва бола йилига ҳамда 1 июнь — Халқаро болалар кунига бағишланган ёш ижодкор Шаҳзода Йўлдошеванинг “Орзулар сари” номли кўргазмаси очилди.

Шаҳзода Йўлдошева ҳам ёш бўлишига қарамай, маълум ижодий ютуқларга эришмоқда. У 1996 йили Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида туғилган. Янгиердаги 1-умумтаълим мактабида, сўнгра Тошкентда Республика Ихтисослашган санъат мактаб-интернатда, Республика рассомлик коллежида таҳсил олди. 2015 йили Республика микёсида ўтказилган “Ёш ижодкор” номли кўргазмада фахрли биринчи ўринни эгаллаб, имтиёзли равишда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети касб таълими факультетининг компьютер графикаси ва дизайн бўлимига ўқишга кирди. Ҳозирда у мазкур университетнинг биринчи курсида ўқимоқда.

60 дан зиёд ижодий ишлари намойиш этилаётган мазкур кўргазмада эндигина ўз услуби ва йўналишини топаётган ёш ижодкорнинг билим ва малакалари, дунёқараши ўз аксини топган. Унинг келажакдаги орзуси тасвирий санъатнинг барча сир-асрорларини чуқур ўрганиб, маданиятимиз ривожига ҳисса қўша оладиган ўз услубига эга рассом бўлиб етишишдир.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

БЕПАРВОЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ

Ёз мавсуми ҳам бошланди. Ушбу мавсум кўплаб инсонлар учун дам олиш, саёҳатга чиқиш, даволаниш мавсуми бўлса ёнғин хавфсизлиги ходимлари учун энг масъулиятли дамлардир, десак адашмаймиз. Чунки бу вақтда фуқароларимиз томонидан эътиборсизлик билан ташланган чиқиндилар очиқ майдондаги қуруқ ўтлар туфайли ёнғинлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Вақтида ўриб олинмаган қуруқ ўтлар катта ёнғинлар сабабчиси бўлиб, бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланмоқда. Шу кунларда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманига қарашли катта очиқ майдонларда, йўл четларида қолиб кетган қуриган ўтлар ёнмоқда. Мисол тариқасида содир этилган бир неча ҳодисаларга диққатингизни жалб этмоқчимиз.

16 май куни Ҳамза тумани “Галабанинг 40 йиллиги” кўчасида 2-уйга қарашли гараж атрофида ўсиб, сарғайиб кетган ўтлар болаларнинг ғашига тегканми, гугурт чақиб ёқиб юборишган. Оқибатда олов тез кучайиб кетиб, гаражда турган “Опел Камадор” автомашинасининг олд қисми ёниб кетишига олиб келган. Албатта болалар қочиб кетишга улгурганлар, лекин гараж эгаси вақтида атрофни тозалаб қўйганида, бундай кўнгилсиз воқеа содир бўлмас эди. 14 май куни ушбу туманда жойлашган қабристонда, кимдир ўз яқинлари учун “охирати обод бўлсин”, дея дуо ўқиган ва сигарета қолдиғини ўчирмасдан ташлаб кетган. Натижада 100 кв.м майдонда мозордаги ўсиб кетган қуруқ ўт ва шох-шаббалар ёнган. Худди шу сабабли Кичик Тошкент ҳалқа йўли ёқасининг 15 кв.м майдонида шох-шабба ва чиқинди ёнган.

Биргина туман бўйича қилинган таҳлил шуни кўрсатиб турибдики, ёнғин ҳеч қачон ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Унга арзимаган бир туртки керак. Қуёш нурлари остида ётган чиқинди ва ўтлар учун биргина чўғнинг ўзи кифоядир. Ўтиб кетаётган йўловчи тутаб турган сигарета қолдиғини ташлаб ўзи билмаган ҳолда ёнғин сабабчиси бўлади. Назоратсиз қолган болажонлар эса чиқиндиларни ва очиқ майдондаги қуруқ ўтларни ёқиб юбормоқдалар.

Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаб ўтмоқчимизки, эҳтиётсизлик ва бепарволикдан келиб чиққан ёнғинлар катта талафотларга ва кўплаб ҳолларда инсон ҳаёти учун фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар бир инсон тушуна билиши лозим.

Ёнғин чиқмаслиги учун жойларда тозалаш ишларини кучайтириш, кўчаларда йиғилиб қолган қуруқ ўтлар, маиший чиқиндилар ва шох-шаббаларни ўз вақтида олиб ташлаш керак. Болаларга эҳтиётқорликни ўргатиш ва ўчмаган сигарета қолдиғини ҳар ерга, айниқса тез аланга олувчи нарсалар бор жойга ташламаслик даркор. Шундагина биз осойишталигимизга раҳна солувчи хавфни камайтиришга эришамиз.

З.АКБАРОВ,
24-ХЁХК смена бошлиғи, капитан

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида 7 **июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол есади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 **июнда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ